

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 107-ҳадис

107 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ، وَابْنِ عُمَرَ، وَأَنْسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ قَالُوا: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يُقَالُ: هَذِهِ عَدْرَةُ فُلَانٍ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ .

Ибн Масъуд, Ибн Умар ва Анаслар розияллоху анҳумдан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ҳар бир хиёнатчида Қиёмат кунида (аломат бўлиши учун) байроғи бўлади. Бу фалончининг хиёнатидир, - деб айтилади»**, дедилар.

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Ислом эминлик ва омонлик динидир. Ислом етиб борган, фатҳ қилган ҳар қандай юрт учун омонлик манбасидир. Ислом хиёнатнинг барча турини ман этиб, ҳатто душманларига ҳам хиёнат қилмасликни буюради. Демак, хиёнатчининг ҳар бир хиёнати - Қиёмат куни қўлига байроқни кўтартириб қўйиб, ҳаммага ошкор қилиб, шарманда қилинишига олиб келаркан.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ислом хоинлик ва хиёнатни ҳаром қилган.
2. Қиёмат куни хоинни ажратиб турадиган хос белгиси бўлади.
3. Хоин - қиёмат куни шарманда қилинади.
4. Биродарларингга асло хиёнат қилмасликка урингин.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



